ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

“РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ”

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(IV ҚИСМ)

(2022 йил 23 апрел)

САМАРҚАНД - 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

“РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ»

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(IV қисм)
(2022 йил 23 апрель)

САМАРҚАНД – 2022

UO'K: 330.111.66(08)
005(08) Ш 16
КВК: 65.9 65.290-2 65.053

Реал сектор соҳаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (IV қисм). 2022 йил 23 апрель куни. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 279 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
Г.М.Шадиева – иқтисод фанлари доктори, профессор в.б.

Нашр учун масъуллар:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Ш.О.Қувондиқов – иқтисод фанлари доктори, доцент,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Ш.А.Султонов – иқтисод фанлари доктори, доцент,
З.С.Артиков – PhD, доцент в.б.,
Р.Ж.Қурбонова – PhD, доцент в.б.,
Б.О.Дусматов – PhD, доцент в.б..

Саҳифаловчи: Мухаммадамин Эрдонов

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида реал сектор соҳасида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик ёндашувлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини юксалтиришдаги ролини ошириш масалалари, туризм индустрияси билан интеграциялашув жараёнларидаги тенденциялари ва истиқболли йўналишлари, соҳани ривожлантиришда бошқарув усуллари ва маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш йўллари, соҳа самарадорлигини банк – молиявий тизими орқали ошириш механизмлари, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистик ҳисоб усулларини такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувлари, сервис тизими хизматларининг сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари, соҳани шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

ISBN: 978-9943-8124-6-8

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

- предоставление налоговых льгот для инвесторов на стадии внедрения проекта, включая сокращенные ставки налога на добавленную стоимость, налога на прибыль или их исключение;
- обеспечение гарантий риска инвестиционных проектов в области туризма;
- активное использование информационных продуктов последнего поколения при разработке инвестиционных проектов с целью их максимальной обоснованности.

С. А. Абдухамидов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти PhD

ТУРИЗМ СОҲАСИ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, БОШҚА СОҲАЛАР БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИР ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: мақолада туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, бошқа соҳалар билан ўзаро алоқаси ҳамда иқтисодиётга таъсир қилиш механизми бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлари: туризм, стратегик сектор, иқтисодиёт, жамият, табиат, ахборот технологиялари, иш билан бандлик, самарадорлик, хизматлар сифати, илмий-тадқиқотлар.

Аннотация: в статье представлена информация о социально-экономическом значении туризма, его взаимодействии с другими отраслями и механизмом воздействия на экономику.

Ключевые слова: туризм, стратегический сектор, экономика, общество, природа, информационные технологии, занятость, эффективность, качество услуг, исследования.

Abstract: the article provides information on the socio-economic significance of tourism, its interaction with other industries and the mechanism of impact on the economy.

Key words: tourism, strategic sector, economy, society, nature, information technology, employment, efficiency, service quality, research.

Илмий-амалий маълумотлар ҳамда кўп йиллик туризм соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, туризм соҳаси охирги 30 йил ичида жадал суръатларда ривожланди. Шу давр оралиғида халқаро туристлар сони 3,8 марта, бу соҳадан келадиган фойда 25 мартага ўсди. Бугунги кунда туризм – жаҳон миқёсидаги иқтисодиётнинг кучли тармоғи бўлиб, мазкур соҳа ўзига жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағларини жалб қилинган. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, “Туризм йирик бизнес, катта пул ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдан иборат”[43] бўлган иқтисодиётнинг стратегик секторидир.

Туризм соҳаси хозирги вақтда миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларига бевосита ва билвосита таъсир этиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, унинг ижобий аҳамияти таборо ортиб мамлакат ва ҳудудларнинг бюджетини валюта билан таъминламоқда, ижтимоий-иқтисодий нфратузилма, маҳаллий аҳолининг яшаш шароити ва сифатини оширувчи иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида шаклланиб

[43] М.Р.Болтабаев, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, С.А.Абдухамидов “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2018 й.

бормоқда. Туризм соҳасини барқарор суръатларда ривожлантириш, уни янги босқичларга кўтариш, замонавий туристик инфратузилмаларни шакллантириш, туристик хизматлар ассортиментини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, минтақаларнинг туристик салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш йўлларни ишлаб чиқиш ва бошқалар бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Туризм соҳаси юқори даражада ривожланган давлатларнинг тажрибасидан, бу соҳа XXI асрда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Туризм соҳаси Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тез суръатларда ривожланаётган ва мамлакат иқтисодиётига валюта оқимини таъминлаётган соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарурий манбаларга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳият ва имкониятларга эга.

Бугунги кунда хукуматимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектор мақомини берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратмоқда. Шу туфайли юртимизга саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун туризмни назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва билиш талаб этилмоқда. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар уларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий меросларини билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш билан биргаликда у катта бизнес манбаси ҳамдир.

Туризм соҳасидаги олимларнинг туризмнинг назарий ва амалий жихатларига оид, унинг кўп қирралилигини исботловчи кўпсонли таърифлари мавжуд. Амалиётдаги туристик фаолиятнинг илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмагани уни ўрганиш учун назарий-методологик ёндашувларни яратиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги пайтда туризм соҳаси бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётган олимлар, тадқиқотчилар ва соҳа мутахассислари “Туризм” тушунчасига турли хил ёндашувлар асосида таърифлар ишлаб чиқишмоқда. Тадқиқотларимиз натижасида, хорижий ва маҳаллий олимларнинг “туризм”га берган таърифлари, илмий-назарий қарашларини ўрганган ҳолда “туризм инсоннинг яшаш ва иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган тақдирда, бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакатлар) бошқасига вақтинчалик ҳаракат қилиши билан тавсифланади. Туризм дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ва иш бўйича учрашувларда қатнашиш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Туризм соҳасида товар сифатида хизматлар реализацияси амалга оширилади” деган ҳулосага келдик.

Туризм соҳаси иқтисодиёт, жамият, табиат ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялари билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб келмоқда ва улар орасидаги муносабатини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. **Туризм, иқтисодиёт, жамият, табиат ва ахборот-коммуникацион технологияларининг ўзаро боғлиқлиги**[44]

Бугунги кунда, туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётга таъсир қилиш механизмини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (2 – расм). Минтақада туристик товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бошқа тармоқлар ҳамда соҳалар фаолияти билан биргаликда амалга оширилади яъни миллий туристик маҳсулот шакиллантирилади ҳамда реализация қилинади. Натижада, туризм соҳасининг ЯИМда ҳамда мамлакат тўлов балансидаги улуши доимий равишда ўсиб боради.



2 – расм. **Туризмнинг иқтисодиётга таъсир қилиш механизмлари**[45]

[44] Илмий-тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

[45] Илмий-тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Умуман олганда туризм минтақа ва мамлакатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий катализатор вазифасини бажаради. Туризм иқтисодий фаолиятдан ташқари аҳолининг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш, самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маданий билиш ва жамиятни эстетик ривожлантириш каби қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради.

Илмий-тадқиқот хулосалари шуни кўрсатадики, туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, туристик хизматлар сифати ва ассортиментини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- туризм соҳаси бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш. Бунда соҳани макро даражадан микро даражагача раёнлаштириш лозим. Бу илмий-тадқиқот ишларининг самарали олиб борилиши, тадқиот натижаларининг аниқлиги ва мукаммаллигини таъминлаб, соҳанинг барча жараён ва элементларини қамраб олади;
- туристик корхона ва ташкилотлар томонидан хизматлар сифати ҳамда ассортиментини кўпайтириш бўйича халқаро тажрибалар ва инновацион ёндашувларни қўллаш амалиётини жорий қилиш. Шу асосида, халқаро туристик оқимни кўпайтириш, хизматлар сифатини халқаро стандартларга мослаштириш, нафлилик даражаси ва эҳтиёж юқори бўлган хизматлар ассортиментини кўпайтириш имконияти яратилади.

З.И.Абдуллаева - старший преподаватель Самаркандского института экономики и сервиса

ОСОБЕННОСТИ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАК ОБЪЕКТ УПРАВЛЕНИЯ

Аннотация: В данной статье рассмотрены основные особенности гостиничных предприятий как объект управления.

Ключевые слова: гостиничные предприятия, региональные особенности, клиент, юридическими и физическими лица.

Annotatsiya: Ushbu maqolada mehmonxona korxonalarining boshqaruv ob'ekti sifatidagi asosiy xususiyatlari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: mehmonxona korxonalari, hududiy xususiyatlari, mijoz, yuridik va jismoniy shaxslar.

Abstract: This article discusses the main features of hotel enterprises as an object of management.

Keywords: hotel enterprises, regional features, client, legal and natural persons.

Под гостиницей следует понимать предприятие, зарегистрированное как коллективное средство размещения в установленном законодательством Республики Узбекистан порядке, обладающее необходимым имущественным комплексом для предоставления услуг временного проживания и управляемое единым руководством.

Для того чтобы дать понятие гостиничного предприятия как объект управления необходимо изучить их особенности.

III ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ”……		**124**
Қ.Ж.Мирзаев М.Э.Ахтамова	РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ЭКОТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ……	**124**
S.A.Iskhakova J.I.Mamarizoev	CREATING A BARRIER-FREE ENVIRONMENT IN HOTELS……	**126**
A.Yu.Talibova R.S.Amriddinova	EKSKURSIYA XIZMATLARIGA BO'LGAN IJTIMOIY-MADANIY VA IQTISODIY EHTIYOJLARNING NAMOYON BO'LISHI VA QONDIRISHNING ASOSIY SHAKLLARI……..	**128**
З.И.Абдуллаева	ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СТАТИСТИКИ ТУРИЗМА……..	**133**
Ф.А.Бекназаров	ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР……..	**136**
Р. Б. Коссе	РЕАЛ СЕКТОРДА АҲОЛИНИНГ ФАРАВОНЛИГИ ЯШАШ ШАРОИТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТУРИЗМНИНГ АХАМИЯТИ……..	**140**
А.Б.Мирзаходжаев Ш.С.Шарифов	ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ И ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ ГОСТИНИЧНОГО ХОЗЯЙСТВА…	**143**
З.И.Абдуллаева	СТИНИЧНАЯ СФЕРА, КАК СОСТАВНАЯ И ОСНОВОПОЛАГАЮЩАЯ ЧАСТЬ ОТРАСЛИ ТУРИЗМА……	**146**
С. А. Абдухамидов	ТУРИЗМ СОҲАСИ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, БОШҚА СОҲАЛАР БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИР ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ……..	**148**
З.И.Абдуллаева	ОСОБЕННОСТИ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАК ОБЪЕКТ УПРАВЛЕНИЯ……	**151**
IV ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”…….		**155**
Р.М. Гайбуллаев	ИСЛОМ МОЛИЯСИ МОДЕЛИ ВА УНИНГ АФЗАЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТИЗИМИГА ДУНЁ ИҚТИСОДЧИ ОЛИМЛАРИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҚАРАШЛАРИ……..	**155**
З.И.Усманова Д.Жураева	ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ……..	**157**
Саттарова З.И Тошпулатова Ш.	МЕҲМОНХОНАДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……	**160**
А.В. Федоркова О.Ю.Малинина	ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ КОНЦЕПЦИИ АНТИКРИЗИСНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ ПРЕДПРИЯТИЯ ПО ОКАЗАНИЮ ОХРАННЫХ УСЛУГ……..	**163**
А.П.Махмудова	СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ТУРИСТИЧЕСКИМ ПРЕДПРИЯТИЕМ……	**167**